

**Изоҳлар билан фикр билдирилган**  
**АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

«Касби пахта тозалаш» акциядорлик жамияти бошқаруви органларига:  
Аудиторлик текшируви ўтказилган субъект:

|                 |                                                    |
|-----------------|----------------------------------------------------|
| Тулиқ номи:     | «Касби пахта тозалаш» акциядорлик жамияти          |
| Юридик манзили: | Қашқадарё вилояти, Касби тумани, Муглон шаҳарчаси  |
| Хисоб рақами:   | 20210000600394042001АТБ «Агро банки» Касби филиали |
| МФО:            | 00179                                              |
| КТУТ:           | 00331211                                           |
| СТИР:           | 200699212                                          |
| Тел:            | 998-98-775-29-80                                   |
| Асос:           | 09.01.2023 йил 3/1-сон шартнома                    |

Мен, масъулияти чекланган жамият шаклидаги «NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT» аудиторлик ташкилоти аудитори (аудитор малака сертификати №05648 04.12.2019 йил) Тураев Комил Исмоилович «Касби пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг 2022 йил 31 декабр ҳолатига бўлган молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботидан, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида фойда ва зарарлар тўғрисида ҳисоботидан, хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисида ҳисоботдан, пул оқимлари тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати аҳамиятли қоидаларнинг қисқача таснифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдим.

**Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни Ўзбекистон Республикасининг Бухгалтерия қонунчилигига мувофиқ тайёрлаш ва ҳаққоний тасаввур берадиган молиявий ҳисоботларни тақдим этиш, шунингдек фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан ҳоли молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

**Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос**

Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи «Бухгалтерия баланси» 1-шакл 460-сатри Мақсадли тушумлари йил бошига яъни 01.01.2022 йил ҳолатига 16620943,0 минг сумни ташкил қилгани ҳолда, йил охири 31.12.2022 йил ҳолатига 13664719,0 минг сумга камайиб 2956224,0 минг сумни ташкил қилганлиги қурасатилгани ҳолда, аудит таҳлилига мазкур ҳолатларни тасдиқловчи асосли ҳужжатлар тақдим қилинмади. Умуман олганда, ушбу сумма молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларнинг таъсирини баҳолаш учун ўрнатилган муҳимлилик даражасидан ошмайди.

**Изоҳлар билан фикр билдириш**

Бизнинг фикримизча «Касби пахта тозалаш» акциядорлик жамиятининг молиявий ҳисоботлари унинг 2022 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, кўрсатилган санада тугаган йил мобайнида унинг молиявий натижаларини ва пул оқимларини барча муҳим жихатларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий Бухгалтерия қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

**Хулоса ёзилган сана**

**27.04.2022 йил**

**МЧЖШ «NEWGLOBALPROFESSIONAL-AUDIT»**

**директори:**



**К.Тураев.**